





## КЎЗИНГНИ ОЧ, БОЛАМ!

Мустақилликнинг 8 йиллик тўйи арафасида ҳар бир ўзбекистонлик эришган улкан ютуқларимиз ҳақида ўйлайди, албатта. Лекин шу даврда бошдан кечирган ташвишли кунлар ҳам ёдга тушади. Хусусан, 16 феврал воқеаларини сира унутишимиз мумкин эмас.

Бир она сифатида буни мен жуда огир олдим. Чунки барқарорлик нималигини, нотинчликнинг азобини ҳис қиламан. Катта ўғлим ҳарбий хизматни Германияда ўтаганда то эсон омон етиб келгунча қанчалар зорикқанман, Оллоҳдан фарзандимга соғлиқ тилаб, кечалари ухламай

ҳам чиқардим. Бу камлик қилгандай, кичик ўғлим Афғонистонга аскарликка жўнатилди. У ердан ногирон бўлиб қайтди.

Ўттиз беш йил ҳамшира бўлиб ишлаганман. Шунинг учун соғлиқнинг қадрини, жон азоби нима эканини биламан. Бегуноҳ одамларни қон қақшатган

ваҳшийлардан нафратланаман.

Бу ғаламислар айрим содда йигитларимизни ҳам йўлдан урган. Шундай адашиб юрганлар ҳозир ҳам бор. Ўшаларга: «Кўзингни оч, болам!» - дегим келади. Шундайларнинг онасига нидоси тарзида бир шеър битдим. Уни эътиборингизга ҳавола этмоқдаман.

## Хушёрликка даъват

## ВАТАНИМИНИ СОҒИНДИМ

Анжир экдим, мевасидан тотмадим,  
Гужум экдим, соясида ётмадим,  
Йигит бўлиб ёримга гул отмадим,  
Онажоним, Ватанимни соғиндим!

Ўтиб кетдим дарёлару тоғлардан,  
Поезд учди не далалар, боғлардан,  
Юрак адо бўлди қора доғлардан,  
Онажоним, Ватанимни соғиндим!

Булбул бўлиб гул шохига кўнмадим,  
Она юртда туғилдим-у, унмадим,  
Ешлик қилдим, насиҳатга кўнмадим,  
Онажоним, Ватанимни соғиндим!

Даъват этди - намозини кўрмадим,  
Қурол тутдим, не йўлларга юрмадим,  
Ўзга юртда давру-даврон сурмадим,  
Онажоним, Ватанимни соғиндим!

Хоинларнинг жаллодида иймон йўқ,  
Қочиб кетай, десам, сира имкон йўқ,  
Мен беватан жисмимда ҳеч бир жон йўқ,  
Онажоним, Ватанимни соғиндим!

Омонжон САФОЕВА,  
меҳнат фахрийси.  
Хива шаҳри, Дўстлик маҳалласи.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли

# «ЗОМИН» СИҲАТГОҲИ

**Фидокор халқимизни, ҳамкасбларимизни  
Ўзбекистон мустақиллигининг яқинлашиб  
келаётган 8 йиллиги байрами билан чин  
қалбдан муборакбод этади.**

Жондан азиз Ватанимизни гуллаб-яшнатиш,  
иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш  
йўлидаги улғувор ишларингизда омад ва  
муваффақият тилайди. Муборак юртимизга кўз  
тегмасин, тинчлик-хотиржамлик, осойишталик

барқарор бўлсин!

**Энг катта бойлик - саломатлигингизни  
мустаҳкамлаш, мазмунли дам олишингиз учун  
хур Ўзбекистонимизнинг сўлим ва бетакрор  
гўшаларидан бири бўлган Зомин тоғ ён  
бағрида жойлашган санаториймизга  
таклиф этамиз. Йилнинг тўрт фаслида бу  
ерда кўнгилли ҳордиқ чиқаришингиз мумкин.**

